



Шоир ва драматург, адабиётшунос ва таржимон, тарихчи ва мутафаккир, нотик ва педагог — буларнинг бари хозир, яъни 1950 йилда биз — талабаларга маъруза ўкишга шайланиб, кўз ойнагини дастрўмоли билан артиб турган одамда жамулжам эди. Ўрта бўйли, микти гавдалиқ, жингалак соchlари кандайдир шоирона тарзда тўзигиган, ўзбекча сўзларни жиндай озарбайжонча охангда талаффуз этадиган бу одам — Шайхзода Максуд эди. Биз уни якиндан биринчи марта кўриб турган бўлсак-да, унинг довруги аллакачон ўзи ишлайдиган Низомий номидаги педагогика институти худудларидан чикиб, бутун Ўзбекистонга тараалган эди. Унинг маърузалари тўгрисида талабалар орасида ривоятлар юрарди. “Гениал санъаткор” деган китобини хижжалаб ўкиб чиккан эдим. Китоб лотинча ёзувда чоп этилган бўлиб, 40-йилларнинг бошланишида Алишер Навоий тўгрисида мавжуд бўлган тўртта танкидий асарнинг биттаси эди. Жуда зўр зукколик билан ёзилган бу рисола Алишер Навоийга шу кадар зўр мухаббат билан сугорилган эдики, уни ўкиган хар кандай одам Навоий дахосини ўз калби билан хис килиб, унинг мўъжизакор санъатига умрбод кўнгил кўйиб колмаслиги мумкин эмасди. Шайхзода кўз ойнагини артиб бўлиб, бурни устига кўндирид, шошмай чўнтағидан... йўк, маъруза матнини эмас, бир кути “Казбек” папиросини чикарди, ундан бир дона олиб, оркаси билан бир-икки кутига уриб, тамаки кукунини тўқди-да, кейин папиросни тутатди. Лекин уни бир марта тортиб, маърузани бошлагач, папиросни унутди: бироз ўтмай, кути устига кўйиб кўйилган папиросдан буралиб-буралиб кўтарилаётган кўкиш тутун гойиб бўлди — папирос ўчиб колган эди. Шайхзода маърузанинг охиригача папиросга бошка кўл узатмайди — у бутун вужуди билан маърузага берилиб кетган эди. Хаммамиз маърузага махлиё бўлиб колган эдик. Биз авваллари хам дарсларда Навоий ижодидан маърузалар тинглагандик, лекин, барибир, Шайхзоданинг биринчи маърузасидаёк буюк шоирнинг ижодиёт олами кўз ўнгимизда батамом янгича кирралари билан жилоланди, гўё биз шу пайтга кадар Навоий яратган санъат асарининг шаклу-шамойилига койил колиб, унинг теварагида айланиб юрар эдиг-у, Шайхзода бизга шу кошона эшигини очиб, ичкари кирмогимиз учун бир калит тутказган эди... Биз ўзаро таассуротларимизни ўртоклаша-ўртоклаша навбатдаги маъруза кунини сабрсизлик билан кута бошладик. Аммо... Шайхзода маърузага келмади. Кейин хам ундан дарак бўлмади. Шундай улуг одамнинг бунака интизомсизлигидан ранжиб, унинг сабаблари тўгрисида бир тўхтамга келиб улгурмасимиздан совук бир хабар етиб келди: Шайхзода камалипти. Биз ўша кезларда анча балогатга етиб колган эдик, лекин шундай бўлса-да, хали мустакил фикрлашни билмас, ўз туйгуларимиз ва истакларимизни очик айтиб ўрганмаган эдик. Аксинча, 37-йилнинг мудхиш воеалари кўз ўнгимизда кечган бўлса-да, уни чукуррок идрок этиб, ундан тайнинлирок хulosалар чикарган эмасдик. Бутун чикарган хulosамиз “одам оласи ичидা”, “Ишонмагин дўстингга, сомон тикар пўстингга”, “Бизнинг шонли органларимиз адашмайди, улар ўз постларида хушёр “турипти” деганга ўхшаш

гаплардан нари ўтмасди. Шунинг учун Шайхзоданинг камалганига анча афсусландик, ўзимиз, вактида унинг асарлари ёки маърузаларидан миллатчилик ёки аксишурорий хатоларни топа олмай, сиёсий кўрлик килганимизга ўқиндик-да, кўп ўтмай бошка ишларга андармон бўлиб кетдик. Факат орадан олти йил ўтиб, орадан анча сувлар окиб кетгандан кейин Сталин ўлиб, унинг истибоди кулагандан кейингина Шайхзоданинг, у билан бирга яна анчагина ўзбек зиёлларининг мутлако бегунох бўлганини билдик — улар Сталин барпо этган ва кўп йиллар мобайнида мамлакатда амал килган катли ом машинасининг айбсиз курбонлари бўлган эди.

Шайхзода окланди, лекин олти йиллик рухий ва жисмоний азоблар, туткунлик, хўрликлар, камситишлар унинг канча умрини олиб кетдийкин, канча-канча шох сатрлар умр дафтарини безаш ўрнига “хечистон” каърида гойиб бўлиб кетдийкин.

Шундай бўлдики, Шайхзода кайтгандан кейин мен унинг тўгрисида макола ёздим. У такриз эмас, адабий портрет жанрида ёзилган эди. Албатта, бу макола хам адабий портрет жанридан жуда узок эди, негаки, биринчидан, менинг тажрибам кам, каламим анча нўнок бўлса, иккинчидан, нимани ёзиш мумкин ва нимани ёзиш мумкин эмаслиги катъий белгилаб қўйилган ва, айникса, ёзувчининг изтироблари, бошидан кечган оғир воеалар, дардлар, хатто хасталиклар тўгрисида хам ёзиш катъиян ман килинганди.

Аммо шунга карамай, менинг маколам Шайхзода тўгрисидаги дастлабки йирикрок макола бўлгани учунми, жамоатчилик томонидан хайриҳохлик билан кутиб олинди ва шоир билан якиндан алока ўрнатишимизга туртки бўлди. Шундан кейинги бир неча йиллик мулокот давомида амин бўлдимки, Шайхзода ижод бобида нечогли буюк бўлса, инсон сифатида хам шунча улуг экан. Биргина мен эмас, уни билган деярли хамманинг эътироф этишича, Шайхзода хар жихатдан баркамол, кўнглида кири йўқ, бегидир инсон эди, у кўлидан келса, кўпчиликка яхшилик килар, айникса, хамиша “Шомирза-ю кок-курук” бўлиб юрадиган талабаларнинг ўзига билдирамай ёрдам кўлини чўзишга интиларди.

Назаримда, у кўнглидан нафрат деган нарсани буткул кувиб чиқаришга муваффак бўлган нодир одамлардан бири эди. Албатта, хасадданми, ё бошка сабабданми — Шайхзодани ёмон кўрган, унинг устидан бўхтон уюштирган, каматишга эришган одамлар бўлган. Албатта, ёмонларнинг кирдикорларидан Шайхзода кўп азият чеккан, кийналган,nochор колган холлари хам бўлган. Бирок унинг кўксида кекка ўрин бўлмаган, улардан касос олишни ўйламаган. Назаримда, интиком йўлидан бориш, кек оловини гуриллатишни у ўзининг инсонлик шаънига номуносиб деб хисоблаган, шунинг учун паст одамларга баравар бўлишни истамаган. Бир воеа сира эсимдан чикмайди. 1956 йилда Ёзувчилар уюшмасида катта йигин бўлди. Унда камок ва сургунлардан окланиб кайтган ёзувчилар хам иштирок этишди. Албатта, уларга хам сўз берилди. Сўзга чикканларнинг бир кисми лагерларда тортган мислсиз азобларини гапириб, камалишларига сабабчи бўлган одамлардан “хун” талаб килдилар. Шайхзода хам минбарга кўтарилиди. Лекин у бир оғиз хам кўнглидаги аламлардан гапирмади, кисматидан нолимади, аксинча, иродаси бакувват, рухи тетик одамларга хос тарзда, майда-чуйда нарсалардан юкори туриб, ижодкорнинг улуг бурчи хакида гапириди ва сўзининг охирида: “Мен сўнгги йилларда жонажон Тошкент шахрига багишлаб бир достон ёздим, шуни ўкиб кўринглар, лозим топсаларинг, чоп этарсизлар”, — деди. Бу “Тошкентнома” достони эди — кейинчалик у Тошкент хакида ёзилган энг яхши асарлардан бири бўлиб колди. Ўша куни Шайхзоданинг нутки бутун мажлис ахлини каттик ларзага солди, негаки, кечагина олти йил давомида мустабид тузумнинг мислсиз кийнокларини бошидан кечириб келган бу одам олижанобликнинг энг олий намунасини намойиш килган эди. Бундан кейин хам мен бу

одамнинг юксак инсоний фазилатлариға кўплаб марта гувоҳ бўлганман. Орадан кўп ўтмай, Ўзбекистон зиёлиларининг курултойи бўлди. Бу анжуман хам шахсга сигинишни танкид килиш баҳонасида ўз дардини хар канча тўкиб солса, кўтарадиган йигин эди. Аммо бу гал хам Шайхзода ўз билганидан колмади — шахсий дардларини йигиштириб кўйиб, республиканинг дардидан, ўзбек зиёлиларининг ахволидан хаяжонли нутк сўзлади. Бутун зал унинг нуткини бир жон, бир тан бўлиб тинглагани, бот-бот карсаклар билан бўлинниб тургани эсимда. Ўшанда Шайхзода хар кандай халкнинг маданий ривожи унинг комусида муҳрланиб колишини айтиб, Ўзбекистонда кўп жилдлик “Комуси Шаркия”ни нашр этиш таклифини ўртага ташлаган эди.

Умуман, Шайхзода хар хил анжуманларда, адабий кечаларда, учрашувларда кўп катнашар ва хар гал теша тегмаган гапларни айтиб, нотиклик бобидаги рейтингини муттасил кўтариб борарди. Бир йили ёзувчиларнинг Дўрмондаги богида ёш ёзувчиларнинг бир неча кунлик семинари бўлди. Унда пешкадам ёзувчиларнинг деярли хаммаси навбатма-навбат ёшлар билан сухбатлар курди. Шайхзода хам ўз тажрибаларидан марокланиб сўзлаб берди. Гап айланиб, тарихий асарлар устида ишлашнинг мураккаблигига кўчди. Тарихий асар устида ишлаш жуда кийин, — деди Шайхзода. — Негаки, воеалар аллакачон ўтиб кетган, улар тўгрисида эса китоблардан, архивлардангина маълумот олиш мумкин. Лекин бу билан иш битмайди. Тарихий асарларда хам қаҳрамонлар сифатида жонли одамлар харакат килади. Улар жонли чикмоги учун хатти-харакатлари, киликлари, ўзини тутишлари тафсилотлар ва деталлар оркали ифодаланиши керак. Бу эса осон эмас — хар кадамда, хар сахифада дабдурустдан хал килиш жуда кийин бўлган саволлар кўндаланг бўлади. Уларни хал килгунча она сутинг оғзингдан келади. Масалан, XIV ёки XV аср одамларини тасвиirlар экансан, улар бир-бирлари билан кандай саломлашганлар — бош иргабми, кўлларини кўксига кўйибми, бир-бирларининг елкаларига кокибми, ўнг кўлларини тик кўтарибми, кўл кисишибми ёки яна бошка бирон тарзда кўришишганми, бирон китобда бунинг тасвири ва тасдиги борми деганга ўхшаш саволлар кўндаланг бўлади. Ёки у давр одамлари кўзойнак такканми, соч кўйганми, кийим-кечаги кандай бўлган, ётиб-туриши, ювиниб-чўмилишлари кандай кечган ва хоказо ва хоказо... Бунака саволларнинг охир-кети йўк. Уларга жавоб топмок учун ёзувчи том маънода баъзан катта, баъзан кичик тадқикот ишини амалга оширгани керак. Шундан кейин Шайхзода Навоий замонида одамлар кўзойнак таккан — такмаганини кандай хал килганини айтиб берганди. Бу гапларнинг барини нафакат ёш ёзувчилар, балки бизга ўхшаган “тажрибалилар” хам жон кулоги билан марокланиб эшитди, чунки бу гаплар ижодкор меҳнатининг машаккатлари хакида анча хакконий тасаввур берар, ёзувчи меҳнатига хурматни оширади.

Шайхзоданинг накадар доно ва зукко бўлганини, нафакат адабиётни, балки шарқ тарихини хам жуда теран билишини кўрсатадиган бир мисолни айтиб берай.

50-йилларнинг охирларида бизнинг дорулфунун билан Боку дорулфунуни ўртасида илмий-ижодий алокалар йўлга кўйилди. Бунда икки дорулфунун навбатма-навбат домлалар алмасиб туришди. Навбатим келиб, мен хам Бокуга бордим, уч кун мобайнида у ерда меҳмон бўлдим. Боку сафари умримдаги энг марокли ва энг самарадор сафар бўлган эди, унда кўрганларим, билганларим, орттирган дўстларим хамон юрагимда. Ўша кезларда онам Кавказдаги кайси бир оромгоҳда дам олмокда эди. Мен онамни Бокуга таклиф килдим, бир-икки кун бу ерда бўлиб, Тошкентга бирга кайтишимизни айтдим, онам рози бўлдилар, бирок у киши Бокуга келгач, мен бутунлай сояга чикдим-колдим.

Мезбонларимиз Идоят муаллим Эфендиев, Ламах муаллим Халилов бутун эътиборни онамга каратишди, каерга борилса, у кишини тўрга ўтказиб, “танишинглар, Озод муаллимнинг онаси Зубайда хоним” деб таништиришди. Хатто ўша кезларда озарбайжон адабиёти кафедрасининг мудири бўлган профессор Жаъфар Хандон хам бизни уйига меҳмонга чакирди ва балконидан Каспийнинг ажойиб манзараси кўриниб турган муҳташам уйида бизни озарбайжонча палов билан сийлади. Умрида бунака иззат-икромларни кўрмаган онамнинг боши осмонга етди. Озарбайжон зиёлиларининг ўта юксак маданияти, меҳмондўстлиги, дўстнинг тепасида парвона бўлиб, жонини бахшида килишга тайёрлиги менда хам, онамда хам жуда чукур таассурот колдирди. Мен китобхондан бироз чалгиганим учун узр сўрайман — бирок бу гапларни озарбайжон зиёлиларига нисбатан йиллар мобайнида калбимда тахланиб ётган эҳтиромимни билдириб кўйиш учун айтмоқдаман. Хуллас, мен Бокуга бориб келгач, Тошкентга Идоят муаллим Эфендиев келди. Табиийки, биз кўлимиздан келган кадар у кишининг хурматини бажо келтириб карзимизни узишга харакат килдик.

Буни карангки, Идоят муаллим Шайхзоданинг күёви бўлар экан — унинг синглисига уйланган экан. Меҳмонларни онамниги — Кўкчадаги ховлимиизга таклиф килдик. Ўз-ўзидан Шайхзода давранинг гули бўлди-колди. У жуда эркин, яйраб ўтирад, кулгили гаплардан гапириб, хамманинг кўнглини олар, хазил мутойиба киларди. Нихоят, кадах айтиш навбати Шайхзодага келди. Билмадим, аёлларни эъзозлаш озарбайжонларга йўргакдан текканми, Шайх ака хам кадаҳини “Озод муаллимнинг онаси Зубайда хоним”га багишлади.

Биласизми, биз — ўзбекларнинг бир кусуримиз бор — алёр айтишни, дўстлар даврасида кувнок кадах кўтаришни билмаймиз. Биз айтадиган алёрлар бутун бошли сиёсий докладга айланиб кетади, масалан, унда пахта режасининг тўлишидан бошлаб, бозорга сифатсиз мол киритишишимизгача хамма нарса бўлади-ю, бир чимдим кулгига, хазил-мутойибага ўрин топилмайди. Шайхзоданинг алёри хам киска бўлгани йўк. Йўк, у менинг онам тўғрисида эмас эди. Шайхзода онам тўғрисида бир жуфт илик сўзини айтгандан кейин, умуман, аёлнинг инсон хаётидаги ўрни, шарк аёлининг буюклиги ва гўзаллиги тўғрисида чунонам илхом билан гапирдики, гапнинг чўзилиб кетгани билингани йўк, аксинча, биз бу одамнинг акл-заковатига, хотирасига, билимига койил колиб тинглаб ўтиравердик. Мен хозирга кадар ўшандан айтилган гапларни ёзиб олиб кўймаганимга ачинаман. Буни карангки, одамнинг сўзамоллиги, чечанлигидан хам йўлларида гуллар унар экан, калбларни гўзаллик туйгуси чулгар экан.

Кейин яна ва яна бу одамнинг бир вактнинг ўзида хам буюклиги, хам соддалигига гувоҳ бўлганман.

У пайтларда факултетимиз Хадрада — театр ёнидаги бинода жойлашган эди. Факултет залида “Мирзо Улугбек” спектаклининг мухокамаси бўлди. Мухокама жуда кизгин ўтди. Сал кам уч соат мобайнида спектакл хакида фикрлар айтилди, муаллиф талабаларнинг саволларига жавоб берди. Нихоят мухокама тугади, биз уй-уйимизга кетмокчи бўлиб, кўчага чиқдик. Шайх ака мухокамадан мамнун бўлган эдилар чоги, кайфиятлари анча кўтаринки эди.

— Гиёсободга бормаймизми, Озоджон? — деди Шайхзода сирли кулимишиб. Кош корая бошлаган эди, лекин Шайхзода бирор ёкка таклиф килса, “йўк” деб бўларканми? Аста сухбатлашиб, Фуркат кўчаси бўйлаб Бешёгоч томон йўлга тушдик. Мен Дўмбирабодни билардим, Юнусободга кўп марталаб йўлим тушган эди-ю, лекин Гиёсобод деган жойни эшитмагандим. Ийманиб, Шайх акадан унинг каердалигини сўрадим.

— Узок эмас, хадемай етиб борамиз, — деди Шайхзода.

Бироз юргандан сўнг Мукимий театрига якинлашиб колдик. У пайтларда Фуркат кўчасининг охирида шинамгина озик-овкат дўкони бўлар эди. Биз етиб келганда дўкон ёпилган, лекин унинг ёнидаги мудирнинг каталакдек хонаси очик эди. Шайх ака мени дадил шу хонага бошлади. Хонада битта ёзув столи, уч-тўртта стул, яна кичикрок бир пўлат сандик турипти. Стол ортида ўтирган тўлароқдан келган, кош-кўзи коп-кора, истараси иссик йигит Шайх акани кўриши биланок “дик” этиб ўрнидан сапчиб турди-да, “келинг-келинг, марҳамат, бормисиз, Шайх ака!” деган сўзлар билан унга пешвоз чиқди. — “Ўзларидан сўрасак! — дея хушхоллик билан унга кўл узатди Шайх ака! — танишиб кўйинг, бу киши Озоджон, университетда домла...”

Кейин йигитни менга таништириди:

— Гиёсобод деганимиз шу дўкон бўлади. Бу кишининг исми — Гиёс. Шу дўконнинг мудири.

Кейин маълум бўлишича, Гиёскон Шайх аканинг жуда садокатли муҳлиси экан, хатто дўконнинг битта калитини Шайх акага бериб кўйган экан. Шайх ака истаган вактида ёлгиз ўзими ёки бир иккита кўнгил тортар ўртоги биланми шу ерга келиб, истаганча еб-ичиб, пулини стол устидаги сиёҳдоннинг тагига кўйиб кетаверар эканлар. Мен кўпгина муҳлисларни эшитган ва кўрган эдим-у, идорасини, унинг ичидаги буюмларини ишониб ташлаб кетаверадиганини кўрмаган эдим.

Хуллас, бир зумда газеталардан дастурхон ёзилди, стол устида турли ноз-неъматлар пайдо бўлди, шишалар очилди.

Мен тараддуланиб колдим.

— Шайх ака, кандок бўларкин, мен уйдан бугундан бошлаб ичмайман деб чиккан эдим.

— Нима ичмайман дегандингиз?

— Арок-да...

— О, ундей бўлса, жуда яхши. Арок ичмаймиз. Бети курсин. Мен хам ёктирумайман. Узум сувидан ясалган тоза мусаллас ичамиз.

Дарҳакикат, уйдан чикаётганимда мусаллас масаласида гап бўлгани йўқ эди. Мен кўндиним. Кўп ўтмай, ўтиришимиз базми жамшидга айланиб кетди. Албатта, уйга судралиб кириб борганимда, вакт анча бўлиб колганди — мен уйкусираб туриб, эшитадиганимни эшитдим. Кейин ахволни тушунириб, ваъдам эртадан кучга киришини айтдим. Лекин ўша окшомнинг шукухи бир умр дилимда сакланиб колди. Сухбатимиз жуда ширин бўлганди.

Шайхзода машина харид килган эмасди. У трамвай, троллейбусларда юрар, кўп холларда эса оёкнинг чигили ёзилади дея пиёда кетаверар, йўл-йўлакай учраган танишлари билан гурунглашиб, дунё янгиликларидан хабар топиб, чак-чаклашиб бораради. Бу гурунгларда кўпгина кизик гаплар айтилар, кейинчалик улар хангомаларга айланар ва одамлар ўртасида латифа тарзида оғиздан-оғизга кўчиб юрарди. Шайхзода билан Гафур Гулом тўғрисида кўп латифа айтиларди. Шайхзода ва Миртемир ораларида бўлиб ўтган гап-сўзлар хам тез оғизга тушиб кетарди. Бир куни Ёзувчилар уюшмасида мажлис бўлипти. У хаддан ташкари чўзилиб кетипти, мажлис тугаганда хамма очликдан сулайиб, холдан кетиб колган экан. Шайхзоданинг ёнида келаётган Миртемир унга хазил килипти:

— Овкат масаласига кандай карайсиз, Шайх ака?

— Тўрт кўз билан караймиз-да... — деб жавоб берипти дарров Шайх ака кўзойнагини кўли билан тузатиб. Бу “итдай очмиз” деган маънода айтилган экан.

Шайхзодада юмор туйгуси жуда кучли эди, у хар кандай вазиятда топкирлик билан гап топар ва хатто нохушрок ахволга тушиб колганда хам уни бир зумда кулгига айлантириб

юбора оларди.

Бир йили Шайх ака Фаргонага адабий кечага бориптилар. Уни водийнинг энг машхур одами, таникли хажвчи Адхам Хамдам кутиб олипти ва уйига олиб келипти. Адхам аканинг рафикаси бутун марҳаматини ишга солиб, Шайх акани роса сийлапти. Эртасига учрашув бўлипти. Театр зали нимкоронги. Одам залга сигмай кетган. Шайх ака ўтиравериб зерикиб кетганми, залга кўз югуртириб, ёнида ўтирган Адхам акадан сўрапти?

— Адхамжон, залнинг чап томонида саккизинчи каторда ўтирган, лабининг тепасида холи бор чиройли аёл ким?

— Ие, Шайх ака, танимаяпсизми? Келинингиз-ку, — деб жавоб берипти Адхам ака.

— Эх, кўзимиз узокдан яхши кўрмайди-да, — дея узр айтитпи, Шайх ака.

Шайх ака хакидаги бундай латифалар ва ривоятлар бу инсоннинг халк орасида обрўйи гоятда катта бўлганини кўрсатади. Бошкача бўлиши мумкин хам эмас эди. У адабиётнинг фидокор ходими эди. У Навоийни хаммадан ортиқ севарди. Вафоти олдидан ёзган энг сўнгги маколасини у “Газал мулкининг сultonони” деб атадики, бу таъриф Алишер Навоий ижодининг моҳиятини жуда яхши ва жуда ихчам таърифлаган формула сифатида халк ичига сингиб кетди.

Шайхзода “Мирзо Улугбек” трагедиясини мерос колдирди. Бу асар хакида кўп ёзилди-ю, Шайхзода билан драмадаги Мирзо Улугбек ўртасида мавжуд бўлган муштараклик хам тадқик килинганча йўқ. Менимча, ижодкорнинг оғзига кулф урилган ўша оғир замонларда Шайхзода ўзининг кўп дардларини, одамларга айтмокчи бўлган гапларини Улугбек тилидан айтган бўлиши мумкин.

Шайхзода ана шундай улуг ижодкор ва улуг инсон эди. Уни кўрганлар, сухбатини олганлар, асарларидан баҳраманд бўлганлар ва бўлаётганлар накадар баҳтиёр!

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетасининг 2003 йил 19-сонидан олинди.

Озод Шарафиддинов